

201 A Aksher Navoiy nomidagi Uzbekiston MK

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING IX ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgz.uz www.adolatgz.uz www.adolat.uz № 45 (1266) 2019-yil 5-noyabr, seshanba

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНING САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда ислохотларнинг фаол амалга оширилиши муносабати билан давлат ва жамиятнинг ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва кўлами ошди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш фаолияти етарлича ташкил қилинмаганлиги, уларнинг натижадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизми тўлиқ йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш, нотўғри ёки зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига олиб келадиган нормалар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуни 42-моддасига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизимини (кейинги ўринларда – ҳуқуқий мониторинг) жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Қуйидагилар ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш;



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

САЙЛОВ — 2019

Надавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократияни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим бунёдкорлик ролини ўйнайди.



Шундай экан, бу йилги сайловлар жараёнида нафақат сиёсий партиялар ва масъул давлат органларининг вакиллари, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, надавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳам бевожита фаол иштирок этиши ҳамда жамоатчилик назорати ҳуқуқидан самарали фойдаланиши учун норматив-ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон надавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ўртасида ҳамкор-

лик меморандуми имзоланди.

Меморандум доирасида самарали ҳамкорлик қилишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилади.

Жумладан, Сайлов кодексининг 8-моддасига асосан, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кунни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан муносиб номзодлар кузатувчи сифатида иштирок этиши таъминланади.

Участка сайлов комиссияларига сайловчилар рўйхатини аниқлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва надавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари яқиндан кўмаклашади.



О'ЗБЕКISTON "ADOLAT" SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



"Адолат — ҳар бир инсон учун!"

Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг IX Қурултойи бўлиб ўтди

Сиёсий анжуманда партия Сиёсий Кенгаши, Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, парламент қуйи палатаси депутатлигига партиядан кўрсатилган номзодлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаровнинг "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг фаолияти ҳисоботи ва янги босқичда партия вазифалари тўғрисида"ги маърузаси тингланди. Маърузада ҳисобот даврида партия дастуридаги устувор йўналишларнинг бажарилиши таҳлил этилди. Партиянинг мафқуравий, ташкилий-кадрлар соҳасидаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди.

Эътироф этилганидек, ўтган уч йил давомида мамлакатимизда олиб борилётган ислохотлар ва давлатимизнинг тараққиёт стратегияси янги босқичга кўтарилганлиги Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятида ҳам ўз аксини топди.

Энг аввало, партиянинг марказий ва ҳудудий органлари иш режаларининг ҳар бир бандида инсон манфаати, қонунларнинг энг қуйи тузилмаларда ҳам сифатли ижросини таъминлаш, ушбу жараёнларга, биринчи навбатда, барча депутатлик корпусини жалб этишга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бугунги кунда 414 478 минг аъзога, мамлакатнинг барча ҳудудларида 6313 та бошланғич партия ташкилотига, 201 та ҳудудий бўлинмага, парламент ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларида депутатлик гуруҳларига эга бўлган йирик сиёсий кучга айланди.

3-4-5

САЙЛОВОЛДИ ЎҚУВЛАРИ



Партия номзодлари курашга тайёрланмоқда

Партияимизнинг мамлакат ва жамият тараққиётидаги иштироки, давлат бошқарувидаги ўрни кўп жиҳатдан сайлов натижаларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам сайловларга қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП "сайловларга муносиб номзод ва халқчил сайловолди дастур билан кириб бориш — муваффақият гарови" тамойилига амал қилмоқда.



МАВЗУГА ҚАЙТИБ

Хавотирга ўрин йўқ

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилган беморларга давлат томонидан берилётган иммуносупрессор дорилар масаласида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Хусусан, давлат томонидан берилётган дорилар баъзи беморларнинг соғлиғига салбий таъсир этаётгани, "Панграф" ўрнига берилётган "Ролиграф" дори воситасидан беморлар хавфсираётгани ҳақида сўз юритилмоқда. Нима учундир айрим ижтимоий тармоқлар мазкур масалани бўрттиришиб кўрсатаётгани, муаммони ёритишда соҳа мутахассислари фикр-мулоҳазаларига эмас, манбаси ноаён миш-мишларга таянаётгани ҳам бор гап.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давом.
Бошланғич 1-бетда

хуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш;
ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш;
норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш;

норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш;

норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги ягона тушунча ва атамалар тизимини яратиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:
норматив-хуқуқий ҳужжатларни тўлақонли ижро этиш давлат бошқаруви органларининг устувор вазифасидир;

норматив-хуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлиги уларни амалда қўллаш бўйича хуқуқий мониторинг ўтказиш йўли билан аниқланади;

хуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилади;

хуқуқий мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

си томонидан тасдиқланадиган хуқуқий мониторинг ўтказиш режасига (кейинги ўринларда – мониторинг режаси) мувофиқ амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан қўшимча хуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этилган тақдирда, хуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан мониторинг режасига қўшимча киритилмасдан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари томонидан хуқуқий мониторинг ўтказилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни танлаб олиб, тақдирда, хуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан мониторинг режасига қўшимча киритилмасдан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг хуқуқий мониторингнинг ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги хуқуқлар берилсин:

давлат бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган хуқуқий мониторингга иштирок этиш;
давлат бошқаруви органлари томонидан хуқуқий мониторинг якунлари бўйича ўз вақтида тақдим этилмаган, нотўғри, ишонсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилган тақдирда, уларга нисбатан хуқуқий мониторингнинг ўтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш.

6. Давлат бошқаруви органлари:
а) ҳар йили 1 февралга қадар: хуқуқий мониторинг ўтказиши лозим бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантириши ва биринчи раҳбар имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиши; мониторинг режасига мувофиқ ўтган йилда ўтказилган хуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиши;

б) ҳар чорақда мониторинг режасига мувофиқ тахлилий маълумотлар ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

а) давлат бошқаруви органларининг тақлифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган хуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида қуйидагиларни назарда тутуви ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мониторинг режасининг бажарилиши натижалари;
норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;
хуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича тақлифлар;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, хуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 20 мартга қадар мониторинг режасини ҳамда хуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилган ҳолда тасдиқласин.

9. Норматив-хуқуқий ҳужжат-

лар ижросининг хуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:
давлат бошқаруви органлари раҳбарлари хуқуқий мониторингнинг сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, мониторинг режаси бўйича тақлифларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўтказилиши ҳолати бўйича ахборотни белгиланган муддатларда киритиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

хуқуқий мониторингнинг ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, шу жумладан, мазкур қарорнинг 6-7-бандларида назарда тутилган ташкилий тадбирлар Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида ташкил этиладиган махсус электрон майдончада амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида:

хуқуқий мониторинг иштирокчилари ўртасида тезкор электрон ҳужжат айланишини таъминлаш;
мониторинг режасини шакллантириш;

ўтказилган хуқуқий мониторинг якунлари бўйича тайёрланган материалларни жойлаштириш имконини яратувчи махсус электрон майдончани жорий этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мунтазам равишда махсус электрон майдончанинг тўғри бошқарилишини мувофиқлаштирсин, шунингдек, ўтказилган хуқуқий мониторинг якунлари бўйича жойлаштирилган материалларни таҳлил қилиб босин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

БРИФИНГ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг IX Курултойи ишнинг якунлари бўйича маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров Курултойи ишида қўриб чиқилган асосий масалалар моҳияти билан журналистлар ва блогерларни таништириб ўтди.

Курултой якунлари бўйича ахборот берилди



Партия сиёсий анжуманида асосий масалалар қўриб чиқилгани, жумладан, “Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2015-2019 йиллардаги фаолияти ҳисоботи ва истиқболдаги устувор вазифалари тўғрисида”, партия Марказий тафтиш комиссиясининг 2015-2019 йиллардаги фаолияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2015-2019 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилгани маълум қилинди.

Мазкур анжуманда партиянинг янги тахрирдаги Устави, Сиёсий ҳамда Сайловолди дастурлари қабул қилинганлиги тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Таъкидланганидек, партиянинг Сайловолди дастуридан соғлиқни сақлаш тизимида замонавий технологияларни жорий этиш, дориларнинг ноқонуний айланмасини бартараф қилиш, аҳолининг судлар ўртасида овозгарчиликларига чек қўйиш, коррупцияни келтириб чиқараётган иллатларни бартараф этиш, кўпроқ ёшларни олий таълим билан қамраб олиш каби муҳим ва ҳаётий масалалар ўрин олган.

Шунингдек, Курултой Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 150 нафар номзодлар кўрсатганига оммавий ахборот воситалари ходимларининг эътибори қаратилди.

Қайд этилганидек, мазкур номзодларни шакллантириш жараёнида партия электоратига асосий уруғ берилди. Жумладан, номзодларнинг 25 фоизи ўқитувчилар, 17 фоизи шифокорлар, 15 фоизи хуқуқшунослар, 12 фоизи муҳандислардан иборат. Номзодларнинг 44 фоизи аёллардир.

— Ушбу Курултой “Адолат” социал-демократик партияси фаолияти учун янги даврни бошлаб берди, — деди Н.Умаров. — Курултой партия-мизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги иштирокини янада кенгайтириш, Олий Мажлис, маҳаллий давлат вакиллик органларига сайловларни самарали ташкил қилишда муҳим қадам бўлди. Н.Умаров брифинг якунида журналистлар ҳамда блогерларни, улар орқали барча юрдошларимизни мамлакатимизнинг тараққиёти йўлини белгилаб берувчи, жорий йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирок этишга чақирди.

Ўз мухбиримиз

ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давом.
Бошланғич 1-бетда

ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш, заруратига кўра аниқлаштириш ишлари-га кўмаклашиш ташкил этилади.

Тегишли сайлов комиссиялари аъзолигига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг фаол аъзолари орасидан номзодларни тавсия этади.

Бундан ташқари, томонлар ҳамкорликда сайлов жараёнига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга оид масалаларни ўрганиш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳамда Сайлов кодексига киритилган демократик сайлов стандартларининг моҳиятини очиб беришга қаратилган тадбирлар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилади. Ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишда, тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов сайлов жараёнлари, сайловга қўрилаётган тайёргарлик ишлари ҳусусида тўхталиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 та сайлов округи ва округ сайлов комиссиялари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари-га сайлов ўтказувчи 6 минг 567 та сайлов округлари тузилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан жами 10 минг 252 та сайлов участкаси, шунингдек, республикамизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхона ва қонсулик идораларида 53 та сайлов участкаси тузилди. Сайловларда кузатувчи сифатида қатнашиши учун 49 давлат ва 8 ташкилот, 316

нафар кузатувчи тақлифномалар юборилди.

Янги Сайлов кодексига биноан 22 декабрда бўлиб ўтажак сайловларда ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларнинг иштирок этишига рухсат берилиши маҳаллага бўлган эътибор янада ортганлигидан далолат.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йилнинг 30 октябрдаги «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этилди.

Рақобатдош кўп партияли тизимнинг ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати манфаатлари йўлида ўтказиладиган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш каби рақобатдор асосий вазифалари этиб белгиланди. Бу, ўз навбатида, сайловларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда, халқаро стандартлар асосида ташкил этилишида мазкур янги тузилма билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этади.

Меморандум замирида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларининг Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов жараёнини янада демократлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, қўшма лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш мақсади мумкин.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Партия номзодлари курашга тайёрланмоқда

Давом.
Бошланғич 1-бетда

Халқ ишончига сазовор бўлган, уларга Сайловолди дастуридаги энг устувор йўналишларни етказиб олиш қобилиятига эга, берган вадасининг устидан чиқадиган номзодларга сиёсий курашда қўлиб бўла олиши мумкин.

Жорий йилнинг 3-5 ноябрь кунлари Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар учун семинар-тренинг бўлиб ўтмоқда. Унда сиёсатшунос, имижмейкер, сиёсий-консултант, журналист ва психологлар томонидан

партия номзодлари бўлгуси сиёсий курашларга тайёрланмоқда.

Тадбирда дастлаб жорий йилда қабул қилинган Сайлов кодексининг ўзига хос жиҳатлари, номзодларни рўйхатга олиш, сайловолди ташвиқоти-ни олиб бориш тартиби, шакллари, усуллари тўғрисида маълумот берилди. Шунингдек, бугунги глобаллашган жамиятда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланмасдан туриб, муваффақият қозониб бўлмаслиги қайд этилди.

Маърузаларда таъкидланганидек, ҳозирги сайловчилар сиёсий ва мафқуравий жиҳатдан янгича қарашларга эга,



улар олиб борилаётган ислохотларга мос равишда фикрлайдиган сайловчилардир.

Шунинг учун халқ қарши-сига чиқаётган ҳар бир номзоднинг билим ва савияси, нутқи мукаммал бўлиши, энг асосийси, аҳоли билан мулоқот қила олиши лозим. Шу мақсадда Сайловолди дастури-миздаги вазифалар маз-мун-моҳияти ва уларни амал-га ошириш механизмлари

номзодларга атрофлича ту-шунтирилди. Бундан ташқари номзодларга сайлов округи-нинг ижтимоий-иқтисодий ҳу-сусиятлари, округ аҳолиси-нинг қизиқишларидан келиб-чиқиб, ўз дастурларини тай-ёрлаш бўйича мастер-класс-лар ўтказилди.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган семинарда амали-ётчилар томонидан номзод-ларга ўтган сайловларда йўл-қўйилган камчилик ва ҳолатлар

чуқур таҳлил этилиб, бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли тавсиялар бе-рилди.

Шунингдек, дебатларда, интервью бериш, сайловчи-лар билан учрашувлар, баҳс-ли вазиятларда ўзини тутиш юзасидан фикр алмашилди.

Амалий машғулотлар давом этмоқда.

Ўзбекистон “Адолат”
СДП Матбуот хизмати

“Адолат — ҳар бир инсон учун!”

Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг IX Курултойи бўлиб ўтди

Давоми.
Бошланғичи 1-бетда

— “Адолат” социал-демократик партияси 2015-2019 йилларда ўз фаолиятини 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, партиянинг “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун” Сайловолди дастури ҳамда уни амалга ошириш бўйича жамиятда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтани назарини ифода этган амалий ҳаракатлар Дастури асосида олиб борди, — деди Н.Умаров. — Сайловолди дастурида амалга ошириш мақсадида партияимиз томонидан ишлаб чиқилган 20 дан ортиқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Хусусан, “Адолат — қонун устуворлигида” лойиҳаси доирасида жойларда қонун ижросини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича мутасадди ташкилотларга тақлифлар киритиш орқали қонун устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ ишлар давом эттирилди.

Рақамларга мурожаат қилсак, аҳоли билан юзма-юз олиб борилган мулоқотлар 2017-2019 йиллар оралиғида **24 586** маротаба маҳаллалар билан, **467 855** маротаба хонадонлар билан, **22 456** маротаба ҳўжалик юритувчи субъектлар билан бевосита боғлиқлигини кўради. Албатта, очик мулоқотлар доирасида фуқароларни қўйиб қўйиб муаммолар ўрганилиб, улар мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиб келинмоқда.

Партия Марказий аппарати ва худудларда ташкил этилган “Адолат қабулхоналари”га жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган жами **66 876** та мурожаат партия депутатлик гуруҳлари томонидан масъул ташкилотларга **14 561** та депутатлик сўрови юбориш орқали ўрганилди. Натижада **9834** та мурожаат мутасадди ташкилотларни жалб қилган ҳолда ўз ижобий ечимини топди, қолган **41 645** та муаммо ва тақлифлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Партия тизимидаги “Адолат қабулхона”лари фаолияти таҳлил қилинганда ўтган уч йил давомида энг кўп мурожаатлар Қашқадарё (**559** та), Жиззах (**453** та), Бухоро (**401** та) вилоятларига тўғри келмоқда. Биргина Қашқадарё вилоятида “Адолат қабулхонаси”га бўлган мурожаатларнинг **450** га яқини ижобий ечим топганини кўришимиз мумкин.

Партиянинг ёшлар сиёсати бир қатор лойиҳаларимизда ўз аксини топган. Жумладан, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” лойиҳаси доирасида умумтаълим мактабларида ўқувчилар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий таълимий хизматнинг аҳоли, таълим масканлари тоза ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолатлари республика бўйича жами **1647** та умумтаълим мактабларида ўрганилди. Мазкур умумтаълим мактабларининг **418** тасида (**25** фоиз) тиббиёт хоналари мавжуд эмаслиги, **811** тасида (**49** фоиз) тиббиёт хоналарида дори воситалари етишмаслиги, **916** тасида (**56** фоиз) тиббиёт анжомлари мавжуд эмаслиги ва **546** тасида (**33** фоиз) ўқувчилар сони санитария-гигиена талаблари меъёридан кўп эканлиги аниқланди. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сессиялари кун тартибига **78** та, доимий комиссияларга **64** масала киритилиб, юқорида қайд этилган камчиликларнинг аксарияти бартараф этилди.

Партия фаоллари ташаббуси билан **115** та мактаб ва **22** та боғча доимий ичимлик суви ҳамда **97** та мактаб ва **39** та боғчада мавжуд тиббиёт хоналари билан таъминланди. **80** та умумтаълим мактабида янги тиббиёт хоналар ташкил этилди, **110** та таълим масканида шифокорлар иш билан таъминланди.

Мақтабача таълим вазирлиги билан ҳамкорликда боғчаларда тарбияланувчиларни мактабга сифатли тайёрлашнинг ҳолати, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологиялари жорий этилиши, давлат-хусусий шериклик асосида янги турдаги МТМлар ташкил эти-



лиши борасида **1787** та боғчада жамоатчилик ўрганишлари амалга оширилди. Боғча болаларининг интеллектуал қобилиятини кучайтириш мақсадида вилоятлар кесимида “Адолат боғи” ва “Адолат майдони” ҳамда жами **197** та шахмат-шашка майдончалари партия ташаббуси билан қурилиб, болажонларимизга ҳаёда этилди. Талабаларнинг тадбиркорлик йўналишига қизиқишларини орттириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси” лойиҳаси доирасида маҳаллий партия ташкилотлари томонидан **64** марта тадбирлар уюштирилиб, унда **5387** нафар ёш олимлар, талаба-ёшлар ҳамда партия хайрихоҳлари иштирок этишди. “Энг яхши дастур”, “Энг яхши веб-сайт”, “Энг яхши иxtирочи”, “Энг яхши дизайн” каби номинациялардан иборат инновацион ярмаркалар ташкил қилиниб, **572** тадан ортик давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги мувофиқлаштирилди.

Партия соғлиқни сақлаш соҳасига эътибор қаратиб, фарзандларимиз орасида кўп учрайдиган стоматологик касалликларга чалиниш хавфини камайтириш, болалар оғиз бўшлиғи касаллигини эрта аниқлаш, шу билан бирга, ясситовонлик ва сколиоз касалликларининг олдини олиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик” лойиҳасини амалга оширди.

Тошкент давлат стоматология институтини билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда кариеснинг тарқалиши ва унинг салбий асоратлари **4-7** ёшдаги болаларда **93** фоиз, **8-12** ёшдаги болаларда — **86**, **13-18** ёшдагиларда эса **74** фоизни ташкил этаётганлиги аниқланди. Бу каби ҳолатлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига киритилган қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳокамаларга сабаб бўлди.

Худудларда тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан ўтган ҳисобот даврида маҳаллий Кенгашлар сессияларига жами **233** та, доимий комиссияларга **428** та масала киритилиб, **470** марта мансабдор шахслар ҳисоботлари тингланди. Фуқароларни ўйлантираётган муаммолар юзасидан мутасадди ташкилотларга **4214** та депутатлик сўрови киритилди. Бу борада депутатлар фаолиги Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Навоий вилоятларида яққол намоён бўлди.

“Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури” асосида партия томонидан Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида маҳаллалар кесимида турли сабабларга кўра чет элга чиқиб кетган, диний оқимларга адашиб қилиб қолган, шунингдек, ўқимайдиган, тайинли бир машғулотга эга бўлмаган ёшлар аниқланиб, улар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилди.

Касалманд инсонларга меҳр улашиш, ёрдам кўрсатиш мақсадида партия ташаббуси билан республика бўйлаб, “Бор меҳримиз сенга болажон!” шiori остида ўтказилган акция турли касаллик ёки бахтсиз ҳодиса туфайли қонга муҳтож бўлган бемор болажонларга ҳаёт бағишлади. Юрtdошларимиз иштирокида ўтказил-

ган беғараз донорлик акцияси сафдошларимиз, кўнгилли хайрихоҳлар, турли касб эгаларидан иборат жами **1500** нафарга яқин фуқароларни қамраб олди. Хайрли сазъ-ҳаракатлар туфайли бемор болажонлар учун **400** литрга яқин қон плазмаси йиғилди.

Иқтидорли ёшларни рағбатлантириш партияимизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. “Адолат” партияси ёшларнинг ташаббуси билан ташкил этилган “Истеъодли ёшлар” клубларига республикамиз бўйича жами **1000** га яқин иқтидорли ёшларни бирлаштириб, бир куч ва бир шior остида ҳаракат қилишларига кенг имкониятлар яратилди.

Шунингдек, партияимизнинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси амалга оширилди. Унга кўра, маҳалладаги уюшмаган ёшлар, ёт гоёлар таъсирига тушиб қолган фуқаролар билан ишлаш, уларни фаол ҳаёт тарзига қайтариш, таълим олиш, касб ўрганишга жалб этиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш назарда тутилган.

Маҳалладаги ишсиз ёшлар сонини аниқлаш ва ҳамкор ташкилотлар ёрдамида уларни муносиб иш билан таъминлаш чораларини кўриш, бити-

рувчи ёшларга оилавий тадбиркорлик, шунингдек, бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан яратилаётган қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳамда кўрсатилётган банк хизматлари тўғрисида батафсил тушунчалар бериб бориш лойиҳанинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Мазкур лойиҳа асосида шу йилнинг ўзида партияга мурожаат қилган жами **1100** нафардан ортик фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида партия томонидан давлат ва нодавлат ташкилотлари билан тузилган ҳамкорлик меморандумлари доирасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Фанлар академияси билан тузилган ҳамкорлик меморандумлари доирасида қўллаб-қувватлаш лойиҳалари худудларда жамоатчилик иштирокида қизгин муҳокама этилди.

Олий Мажлиснинг қўйи палатасидаги партияимиз фракцияси ҳам ҳисобот даврида бир қатор ишларни амалга оширди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 июлдаги парламент ва сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар фаолиятимизга замонавий ёндашув ва янги мазмун олиб кирди.

Ҳисобот даврида “Адолат” СДП фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган **200** дан

ортиқ йиғилиши ўтказилиб, уларда **580** дан ортик қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракция ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган қарор ва фармонлари, вилоятларга таширлардаги маърузалари, хорижий давлатларга таширлар мазмун-моҳияти ва улардан келиб чиқувчи фракция позицияларини шакллантириш бўйича **100** дан ортик масала кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, фракция аъзолари Қонунчилик палатасининг ялпи мажлислари кун тартибига киритилган барча қонун лойиҳалари бўйича муҳокамаларда иштирок этди. Муҳокамалар жараёнида қонун ҳужжатлар зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича “Адолат” СДП фракция аъзолари **1200** га яқин тақлифларни илгари сурдилар. Қонунчилик палатасидаги ҳар бир қонун лойиҳалари юзасидан партиянинг қўйи тизимидан тақлифлар олиш ва умумий позицияни шакллантириш йўлга қўйилиб, “Фракция — марказ — вилоят — туман” тартибиде ишлайдиган тизим жорий этилди.

Ҳисобот даврида фракцияимиз аъзолари **43** та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлдилар. Шулардан **9** таси яхлит қонунлар бўлса, **34** таси мавжуд қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритишдан иборат бўлди.

Фракция аъзолари бевосита қонунларнинг ижроси ва белгиланган режаларнинг бажарилишига қаратилган **120** дан ортик назорат-таҳлил тадбирларини ўтказди. Улар бўйича Қонунчилик палатасининг қарорлари қабул қилиниб, тегишли топшириқлар берилди. Яъни “Парламент сўрови” институтидан самарали фойдаланилди. Хусусан, фракция ташаббуси билан **4** та парламент сўрови мутасадди вазирликларга юборилди.

“Ўзбекистонда суви тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва қишлоқ ҳўжалигига замонавий техника ва технологияларни жорий этиш” га қаратилган Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига, “Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини таъминлаш” га қаратилган Халқ таълими вазирлигига, “Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш” га ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Бош вазир ўринбосарига парламент сўровлари юборилди. Айтиш жоизки, ушбу сўровларнинг барчасига масъуллар томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, унинг натижасида Президент ва Ҳукуматнинг мазкур соҳаларни янада

ривожлантиришга қаратилган тегишли қарорлари қабул қилинишига эришилди.

Шу билан бирга фракция аъзолари томонидан Қонунчилик палатасида “Ҳукумат соати”дан ҳам унумли фойдаланилди.

Йи-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг “Республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни” тўғрисида, соғлиқни сақлаш вазирининг “Аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон ва сифатли доридармон воситалари билан таъминлаш, ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш” тўғрисида, халқ таълими вазирининг “Умумий ўрта таълим мактаблари биноларини сақлаш, синфхоналари, дарсликлар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”, қишлоқ ҳўжалиги вазирининг “Мамлакатда мева-сабзавот етиштириш бўйича кластер тизимига ўтишнинг самарадорлиги тўғрисида”ги ахборотлари парламентда эшитилди ва ушбу соҳаларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Шунингдек, фракция Сайловолди дастурида илгари сурилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор вазирликлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ҳисобот даврида фракция аъзолари томонидан Қонунчилик палатаси депутатлари билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, соҳанинг қўйи қисми бўлган ҚВЛлар, оилавий поликлиникаларда амалга оширилаётган ислохотлар партия депутатлик корпуси томонидан назоратга олинди. Партия депутатлари жойларда тиббиёт муассасаларининг фаолиятини самарали ташкил этишда тўсиқ бўлаётган муаммолар, шу жумладан, тор соҳа шифокорларнинг етишмаслиги, дори-дар-

роқларини ёқиб ҳаракатланиши шартлиги кўпчилик фуқаролар томонидан норозилик билан қарши олинган эди. Фракцияимиз аъзоси Жамшид Пирматов шу масалада фракцияимиз позициясини илгари сурди. Яъни транспорт воситаларининг бугунги кундаги техник ҳолати мос келмаслиги ва иқлим шароитимиз хусусиятлари инобатга олинмаганилиги асос қилиниб, ушбу қарор Ҳукумат томонидан қайта кўриб чиқилишига эришилди.

Аҳолини қўйиб қўйиб қўйиб яна бир муаммо — бу автомобиллар ойнасини тонировка қилиш. Фракцияимиз аъзоси У.Сулаймонов ташаббуси билан ушбу масалани ҳал этишга қаратилган тақлифлар Ҳукуматга киритилди. Хабарингиз бор, натижада автомобиль ойналарини қорайтиришга рухсат берилди ва белгиланган нархлар сезиларли даражада камайишига муваффақ бўлинди.

Шу билан бирга, “103” тез тиббий ёрдам автомобиллари ҳайдовчилари беморларга хизмат кўрсатиш вақтида тез ҳаракатланганлик ҳолати фоторадар тизимларида аниқланса, йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилмаслиги бўйича тегишли қонунга ўзгаришлар киритилишига эришилди.

Ушбу амалий ишлар ижтимоий тармоқларда катта баҳсларга сабаб бўлди, пировардида халқ манфаати йўлида амалга оширилган ишлар ижобий баҳоланди.

Янги сайланадиган депутатлик корпусимиз томонидан “Адолат” СДПнинг янги қабул қилинадиган Сайловолди дастурини ҳаётга тўлиқ татбиқ қилиш орқали партияимизнинг аҳоли ўртасида, соҳанинг қўйи қисми бўлган муҳим масалаларни ҳал қилишдаги ролини кучайтириш олиқ мақсад бўлиб қолади. Шу мақсадда биз истиқболда ёлдимизга қатъий вазифаларни белгилаб олдик.

Ўтган давр мобайнида партияимиз матбуот базисига ва унинг моддий-техник ҳисобини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 5 йил давомида партия сайти замонавий имкониятларни ўзида акс эттириш мақсадида 2 маротаба янгиланди. “Онлайн-викторина”, “Онлайн-аъзолик”, “Жамоатчилик муҳокамаси” каби замонавий интерактив хизматлар билан бойитилди. Партиянинг интернет ижтимоий тармоқларидаги фаолиги 2018 йилдан бошлаб оширилди. Жумладан, энг оммабоп ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларига эга бўлди ва обуначилари сонини 10 бараварга кўпайтирди.

Ҳисобот даврида партияимиз муассислигидаги “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси ҳам сифат жиҳатидан салмоқли натижаларга эришди. Айниқса, кейинги уч йил мобайнида газетамиз замон талабига ҳамохан тарзда фаолият кўрсатишга ҳаракат қилаётганлиги яққол сезилмоқда. “Адолат” газетаси партияимиз ҳаётини кенг ёритиб, бизнинг фаолиятимиздан халқимизни ҳабардор этмоқда. Айниқса, кейинги пайтларга газетада ташкил этилган бир қатор янги рунклар остида чоп этилаётган мақолалар кўпчиликнинг эътиборини жалб қилмоқда. Чунки мазкур мақолаларнинг аксарияти фуқароларни ўйлантириб турган муаммолар ечимига қаратилган, газета — халқ минбари эканини ифодаловчи чиқилардир.

Ҳаммангиз яхши биласизки, ОАВ билан ҳукумат ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Шундай экан, партияимиз бош нашрининг қанчалар мустаҳкам, ишончли кўприк бўла олиши ҳар бир сафдошимизга бевосита ва билвосита боғлиқ эканлигини ҳам эслатиб ўтмоқчиман.

Мухими, аҳоли ўртасида партияга хайрихоҳлик ортмоқда. Агар статистикага назар соладиган бўлсак, 2015 йилда партиянинг умумий аъзолар сони **115 514** нафар бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб, **414 478** нафарни ташкил қилди. Ўтган йиллар мобайнида партия аъзоларининг **46** минг нафарини ёшлар ва **56** минг нафарини аёллар ташкил қилган бўлса, бугунга келиб, сафдошларимизнинг **160 595** нафари (**39** фоиз) ёшлар, **192 157** нафари (**46** фоиз) эса аёллар ташкил қилаётганини кутамиз.

“Адолат — ҳар бир инсон учун!”

Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг IX Курултойи бўлиб ўтди

Давоми.
Бошланғич 1-бетда

Бир сўз билан айтганда, партиянинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги муваффақияти электротанни кўпайтиришга ҳам имкон яратди. Яъни одамлар ўз саволига жавоб берадиган кучга эргашади. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини либераллаштириш жараёнларининг самарадорлиги давлатимиз раҳбари бир неча бор айтганларидек, кўп жиҳатдан одамлар тафаккурдаги ўзгаришлар, уларнинг сиёсий маданияти даражаси, демократик ва умуминсоний қадриятлар тизимини қанчалар тўшуниб етиши билан белгиланади.

Биз Сайлов кодекси асосида жорий йилги сайловларни сифатли ўтказишимиз ва унда барча даражадаги ҳокимиятнинг вакиллик органларидан ўз дастурий мақсад ва вазифаларимизни амалга ошириш учун кўпроқ ўринларни қўлга киритишга эришишимиз даркор.

Партияимизда ўзининг аниқ ва қатъий позициясига эга, қонун ва жамят олдига юксак масъулиятни чуқур ҳис этадиган, сайловчилар орасида обрў-эътиборли, сайловда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси учун овоз берган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қодир муносиб номзодларимиз кўпчилигини ташкил этади.

Делегатлар муҳокамадор доирасида партиянинг давлат ҳокимияти, қонунчилик ва вакиллик органларига бўлажак сайловларда фаол иштирок этишининг устувор йўналишлари бўйича таклифлар билдиришди. Курултойда мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича устувор вазифаларни ҳал этишда “Адолат” социал-демократик партиясининг ўрни ва роли белгиланган “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони” деб номланган Сайловолди дастури ҳамда Сиёсий дастури лойиҳаси муҳокама этилди. Партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов партиянинг янги ҳужжатлари юзасидан маъруза қилди.

— Буюк мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий бобомиз “Зулмини даф этинг адолат бирла” деганларидек, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам буюк мақсадларга фақат адолат билан эришиш мумкин, деб ҳисоблаб, жорий йилги сайловларга “Адолат — ҳар бир инсон учун!” шiori билан кириб келмоқда, — деди А.Раҳмонов. — Сайловда иштирок этиш ҳуқуқи, албатта, партияимизга жуда катта масъулият юклайди. Бу масъулият, аввало, халқимиз олдига ҳисобдорлигимизни унутмаслик, келгусида узоқ ва яқин келажак учун дастурий вазифаларимизни белгилаб олишга, сайловларда юқори савия ва юксак маданият билан иштирок этишга, энг кўп депутатлик ўринларини эгаллашга ўндайди.

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз, мустақиллик йилларида мамлакатимиз



миз ҳар томонлама ўсди, улкан ислохотлар амалга оширилди. Халқнинг турмуш даражаси юксалди. Айниқса, кейинги уч йил ичида жамятимизда факулда кенг қўламли ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилди ва бу жараён шиддат билан давом этмоқда.

Очигини айтганда, янгилаётган Ўзбекистоннинг ҳар бир кунги тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирмоқда. Замон шиддати, давр суръати ҳам шунга мос ва хос тарзда кечмоқда.

Сиёсий куч сифатида майдонга чиққан “Адолат” социал-демократик партиясининг голяри бугунги кунда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қила бошлади. Барча даражадаги амалдорлар, жумладан, депутатлар ҳам ўзларининг, аввало, халқ хизматкорлари эканликларини англаб етдилар.

Бундай ўзгаришлар баробарида ҳали имкониятларимиз беҳад кенглигини, олдимизда турган улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишимиз шартлигини ҳам чуқур англамоқдамиз. Бизнинг фаолиятимизга энг холис баҳони эса халқ беради.

Шу нуктаи назардан, партия экспертлари, фаоллари ва жамоатчилик вакилларининг таклиф-мулоҳазалари асосида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг ўзоқни кўзлаган янги Сиёсий дастури ва яқин беш йилга мўлжалланган Сайловолди дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинди.

Миллий ва хорижий илгор тахрирларга таянган ҳолда дастурларимиз лойиҳаларида замонавий социал-демократиянинг энг илгор голяри, қадриятлари ва мақсадлари миллий қадриятларимизга мос ҳолда сингдирилди. Уларда социал-демократиянинг адолатлилик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик голяри устуворлик касб этган.

Инсон ҳуқуқларини олий қадрият даражасида эътироф этиш ва бу борада мустаҳкам ҳимоя қўргони яратиш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, миллати, танасининг ран-

ги, диний мансублиги, жинси, ёши ва бошқа белгиларидан қатъи назар, камситилишига қарши курашиш, адолат — ҳар бир инсон учун тамойиллига амал қилиш дастурларимизнинг асосий йўналишларида ўз ифодасини топди.

Кучли давлат бошқарувидан адолатли фуқаролик жамятига босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи дастурий мақсадларимиз кучли, эркин ва адолатли Ўзбекистон ва унинг келажаги учун хизмат қилишга, халқ учун, халқ манфаатлари йўлида, халқ номидан иш туттишга йўналтирилган.

Шу ўринда партияимизнинг ўзоқни кўзлаган янги тахрирдаги Сиёсий дастури ва яқин беш йилликка мўлжалланган сайловолди дастурининг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтас.

Аввало, биз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган энг олий орган бу суд деб ҳисоблаймиз. Шу нуктаи назардан, дастурларимизда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, судларнинг маконини мустаҳкамлаш, фуқаролик, жинсий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судлари негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклаш ушбу йўналишдаги асосий вазифалар сифатида белги-ланган. Унда Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика миллий маркази билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар натижасини, айниқса, соҳада аҳолининг норозили-гига сабаб бўлаётган омилларни танқидий ўрганиб чиқиш ва натижаси юзасидан 2020 йилги Давлат дастурида вазифалар белгиланишига эри-шиш назарда тутилган.

Шунингдек, адвокатларнинг маконини янада ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, бу борадаги қонунлар ижроси юзасидан кучли ва самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнларида

адвокатура ва прокуратура ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш масалалари ҳам дастуримиздан ўрин олган.

Мамлакатда ягона тергов органи — Тергов қўмитасини ташкил этиш, келгусида “Халқ суди”, “Халқ прокуратураси”, “Халқ полицияси” каби институтларни жорий этиш, Давлат автомобиль назорати инспекторларини чинакам “Халқ ёрдамчиларига” айлантириш, фуқароларимизга “Пропискадан ўтиш”, яъни доимий рўйхатдан ўтиш бўйича қулайликлар яратиш масалалари бўйича таклифлар киритиш ҳам суд-ҳуқуқ йўналишининг муҳим вазифалари сифатида белгиланган.

“Ахлоқ қонунининг асосидир” деган фалсафий қарашларга ҳамоҳанг, биз ахлоқсизликнинг хунук қўриниши бўлган одам савдоси билан қатъий курашишни ҳам устувор вазифа деб биламиз. Шу мақсадда Сайловолди дастури-миздан аҳоли ва айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларини ўқитиш бўйича узуқсиз таълимни жорий этиш масалалари ҳам ўрин олган.

Шунингдек, коррупциясиз жамят куриш партияимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бош прокуратура билан ҳамкорликда тегишли халқро кўрсаткичлар, индексларни ҳамда уларни тузиш мето-дикасини назарда тутиб, коррупцияга қарши кураш, жамятда ушбу иллатга нисбатан мутлақо тоқатсизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг натижаларини кенг оммага етказиб бериш, давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи тузилмалар фаолиятида тўрачилик, расмиятчилик ва коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш, давлат бюджети бошқарув тизимини мунтазам ислох қилиш ва барча ундирларни фақат бюджет тизими орқали тақсимлаш чораларини кўриш масалалари мазкур йўналишда ўз ифодасини топган.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда коррупция билан курашиш — бу, нафақат давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этиш тузилмаларининг, балки бутун жамятнинг бурчи эканлигини кенг тарғиб қилиш орқали коррупционерларга нисбатан халқнинг нафратини уйғотиш каби давлат дастурий вазифаларимиз қаторига киритилган.

Бизнинг асосий бойлигимиз халқимиздир. Шу боис аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга партияимиз алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Биз — аҳолига ма-лакали ва қафоллатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш ҳисобига соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантириш, тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбат-лантириш, уларни турли таъовуз ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш му-ҳим вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблаймиз.

Шу нуктаи назардан, соғлиқни сақлаш хизматида “Ақли тиббиёт” тизимини шакллантириш, аҳолини хавф-сиз дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида тиббий хизмат усти-дан депутатлик ва жамоатчилик назо-ратини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича таъсир-чан қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиб, амалда қўлаш чораларини кўриш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни ривожланган дав-латлар қаторидан ўрин олиши олий таъ-лим муассасаларида замон талаблари-га тўла жавоб берадиган мутахассис-лар тайёрлашни тақозо қилади. Сай-ловолди дастуриимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-ги билан ҳамкорликда 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига дав-лат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш-параметрларини белгилаш бил-лан бирга, уларнинг босқичма-босқич таъмини ўзи молиялаштиришга ўтишни таъминлашга қаратилган меъърий ҳуж-жатларни ишлаб чиқиш, бунда ўқувлар учун умумий қабул квоталарини белги-лаш тахрибасидан воз кечиш ҳам партияимизнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Шунингдек, Дастуриимизда терро-ризм, экстремизм, сепаратизм каби иллатларга қарши курашиш, кучли ташқи сиёсат олиб бориш каби мам-лакатимиз мустақиллиги ва яхлитли-гини таъминлашга қаратилган муҳим вазифалар қайд этилган.

Иқтисодий кадрларни боғча ёши-дан тайёрлашга, таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлашга, одоб-ахлоқ қондаларини болалигидан онгига сингдириб боришга, мактаб таълими-ни сифат ва самара жиҳатидан юқори даражага кўтариш орқали ҳар бир ўқувчининг интеллектуал салоҳияти-ни оширишга партияимиз доимий эътибор қаратади.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оши-риш, аҳоли ва ёшлар учун арзон уй-жойлар барпо этиш, ҳарбий хизмат-

чилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш ҳам партиянинг диққат марказида бўлади.

Очигини айтганда, бугунги кунда норасмий ёлланма меҳнат авжига чиқ-қан. Бу борадаги қонунчиликни тако-миллаштиришимиз ва норасмий иш-латиш учун жавобгарликни ошириши-миз зарур. Биз ҳар қандай адолат-сизликка нафрат билан қараймиз! **Адолатсизлик бу нафақат қонун-ларга риоя этмаслик, балки ин-сон ҳуқуқларини ҳурмат қилмас-лик, инсонга бепасанд қараш, менсимаслик, бераҳм муносабат ҳам адолатсизликдир!**

Буюк бобокалонимиз Абу Мансур Мотуридий “Олам ободлигини қарам адолатда деб бил” деганларидек, биз Ватанимиз ободлигини қонун устувор-лигида кўраемиз. Биз бор кучимиз, би-лим ва тажрибамиз, салоҳиятимиз бил-лан сайловларда муносиб иштирок этишимиз ва энг кўп депутатлик ўрни-ни эгаллашимиз зарур. Ана шунданги-на биз олдимизга қўйган барча мақ-садларга эришамиз.

Партиянинг сиёсий анжуманида му-ҳокама учун сўзга чиққан партия фа-оллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шу билан бирга, партия-нинг жорий йилги сайловларга тайёр-гарлиги, барча даражадаги сайлов штаблари фаолияти самарадорлиги, электротан билан самарали ишлаш ма-салаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, бўлажак сайлов-ларга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Партиянинг ва депутатликка номзод-ларнинг тарғибот, ташвиқот тадбир-ларини мутлақо янги усуллар ва шакл-ларда ташкил этиш белгилаб олин-ди. Шунингдек, акциялар ва митинг-лар асосида аҳолининг кенг қатлам-лари ичига кириб бориш ва партия-нинг сиёсий, ижтимоий ҳамда иқти-содий ислохотларда изчил иштиро-кини таъминлашга қаратилган пози-циясини аниқ етказиш лозим. Бундан ташқари, ушбу жараёнларни жамоат-чиликка етказишда оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тар-моқлар имкониятларидан кенг фой-даланиш талаб этилади.

Курултойда Ўзбекистон Республи-каси Сайлов кодексининг 70-модда-сига мувофиқ Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Қонунчилик па-латаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар маъқулланди. Партиянинг йирик сиёсий анжуманида, шунинг-дек, партиянинг олий органи ваколат-ига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Партия Сиёсий Кен-гаши ва Марказий Тафтиш комиссия-сининг янги аъзолари сайланди. Партия Устави янги тахрирда қабул қилинди.

Партия Курултойида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегиш-ли қарорлар қабул қилинди.

Фаррух АБДУЛҲАМИДОВ,
журналист

СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳар бир ОТМ

ўзини ўзи молиялаштирсин

Кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш — янги давр талаби. Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ёшлар сиёсати ана шу мақсадларни ҳам қамраб олган.

Жумладан, янги Сайловолди дастуриимизда олий таълим муассасаларига умумий қабул квоталарини белгилаш тахрибасидан воз кечиш таклиф этилган. Бунда 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш, уларнинг босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтишни таъминлашга доир меъърий ҳужжатларни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Амалдаги қонун ҳужжатлари-га мувофиқ олий таълим тизимини ривожлантириш, таъ-лим сифатини ошириш, олий ўқув юрларининг мамлакатимиз-

мизда амалга оширилаётган ислохотлардаги иштирокини таъминлаш, олий ва ўрта мах-сус таълим тизимида бошқа-рув тамойилларини жорий этишга қаратилган ҳолатлар халқро талабларга жавоб бер-майди.

Масалан, жамятнинг ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олмасдан, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж-ларини кўпайтиришга зўр бе-чилгани, ўқувчилар, ота-она-ларнинг бориши учун коллеж-лар аҳоли турар жойларидан узоқда қурилгани, мактабгача таълим муассасалари ва умум-таълим мактаблари эътибор-

дан четда қолгани, охир-оқибатда олий таълим муассасаларига ёшларни қамраб олишда қатъий белгиланган чегаралар юртимизда таълим-тарбия тизими ривожини бир неча ўн йиллар орқага суриб юборди.

Бугунги кунда республика-мизда жами 113 та олий таъ-лим муассасаси фаолият юрит-моқда. ОТМларда таълимнинг кечки, сиртки (махсус сиртки) шакллари асосида ҳам кадр-лар тайёрланмоқда. Уларда 424171 нафар талаба (2017 йилда 238532 нафар) тахсил олмақда. Лекин қанча ёшлари-миз белгиланган квотага илин-май, тўлов-контракт маблағи-ни тўломай, интернет орқали хориждаги ОТМлардан танлаб, ўзга юрда бошқа ҳуқуқий ва моддий муаммоларга дуч ке-лаётгани ҳам аниқ фактдир.



Насиба АЗИЗОВА,
Қарши давлат университети
халқро алоқалар бўлими
бошлиғи

Бир сўз билан айтганда, Сайловолди дастуриимизда ил-гарни сурилган голяларнинг ама-лиётга татбиқ этилишидан на-фақат ёшлар, балки ушбу соҳа вакиллари ҳам манфаатдор. Чунки ёшларни сифатли олий таълим билан қамраб олиш да-ражасини ошириш бугун кун тартибидан турган энг долзарб масалалардан биридир.

Дорилар рекламаси чекланиши шарт

Аҳоли саломатлиги улкан бойлик бўлиши билан бирга жамятнинг барқарор ривожланиши гаровидир. Шунинг назарда тутиб, “Адолат” социал-демократик партиясининг янги Сайловолди дастурида тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, дастурдан ўрин олган замонавий, юқори технологияли, са-марали тез тиббий ёрдам хизмати-ни шакллантириш чораларини кўриш вазифаси эътиборга молик. Айтиш жоизки, тез тиббий ёрдам хизмати халқимизнинг кўплаб эътирозлари-га сабаб бўлмоқда. Шошилинч тиб-бий ёрдам хизматининг тезкорлиги халқро эътироф этилган талаблар-га мос бўлиши, ушбу йўналишдаги тиббий ёрдамни бошқаришнинг ах-борот тизимини жорий қилишга эри-шиш вазифаси дастуриимиздан ўрин олганини кўпчилигини бефарқ қол-дирмаслиги аниқ.

Шунингдек, дориларни врач реце-пти асосида берилишини йўлга қўйиш ҳамда дорилар рекламасини чеклаш ҳам долзарб масаладир. Ваҳоланки, дориларнинг бетартиб рекламаси аҳолининг шифокорларга мурожаат қилмасдан ўзбосимчлик билан улар-ни қабул қилиши ва бунинг оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишига

олиб келмоқда. Бизнинг энг асосий мақсадимиз халқимизни ҳаётини, бугунги кун-дан рози қилиш экан, бунга тибби-ётни ривожлантирмасдан эриша ол-маймиз. Шунинг учун “Ақли тибби-ёт” ва АКТларни ривожлантириш ор-қали парламент ва халқ назоратини кучайтириш масаласини кун тарти-бига қўймоқдамиз.

Партия аҳолини ижтимоий аҳа-миятга эга, юқори самарали, хавфсиз дори-дармонлар ва тиббий восита-лар билан арзон нархларда таъмин-лаш, қанбақлаштирилган ва сифат-сиз дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш тарафдори-дир. Шу мақсадда дориларнинг яго-на электрон базасини шаклланти-ришни ва унда барча дастуриимизда дориларнинг номи, нархи, ишлаб чи-қарувчиси ва савдога чиқарувчиси, агар чет элдан келтирилган бўлса, уни импорт қилувчининг маълумот-ларини кўрсатадиган электрон ти-



Бердимурат ДАЛҲАЖОНОВ,
Республика суд тиббий
экспертиза илмий-амалий
маркази Қорақалпоғистон
филиали бошлиғи

зимни татбиқ этиш кўзда тутилмоқ-да. Бу тизим билан дориларнинг нархлари барқарорлаштирилади ва сифати таъминланади. Дорилар врач рецети асосида берилиши йўлга қўйилади ҳамда дори восита-ларининг рекламаси чекланади.

Сўз — Қурултой иштирокчиларига

Партиянинг фаолиятини кузата туриб, 5 йил ичида унинг қанчалик қад ростлагани, сиёсий томонлама ўсгани, сафдошларимиз нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатдан ҳам мустақамланганини кўришимиз мумкин. Партия фаолиятида натижадорлик ва халқ билан мулоқот қилишда фаоллик ошди. Бу эса энг асосий ютуқдир.

ТИББИЁТ: муаммолар биргаликда бартараф этилади

Қурултойда қайд этилганидек, ҳисобот даврида партия Сайловолди дастурининг аксарият қисми бажарилди. Маълумки, партиянинг энг устувор вазифаси ҳар бир соҳада қонун устуворлиги таъминлашига эришиш ҳисобланади. Бунинг учун эса қонунларнинг ўзини мукамал тарзда ишлаб чиқиш талаб этилади.


лаш тўғрисида”ги, “Она сuti билан озиклантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озик-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги қонун лойиҳалари бўйича ҳам бевосита бизнинг партия иш олиб борди ва қабул қилинишига эришилди.

Айни кунларда эса “Адолат” СДП фракцияси аъзолари иш тирокида “Инсон органлари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини трансплантация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида энг муҳим стратегик ҳужжатлар — Соғлиқни сақлаш

кодекси, “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонун лойиҳалари устида ишлар давом этмоқда. Шу билан бирга, тиббиётни юқори даражага олиб чиқишга ёрдам қиладиган тиббий фаолият ва тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Албатта, бу жараёнларда ҳам фракция аъзоларидан алоҳида фаоллик талаб этилади.

Яна бир муаммо тиббиёт ходимларига тажовуз, зўравонлик қилиш ҳолатлари кузатилаётганлигидир. Шу кунгача 500 соҳасида энг муҳим стратегик ҳужжатлар — Соғлиқни сақлаш



Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Адолат” СДП фракцияси

СДП фаоллари, партия фракцияси билан ҳамкорликда “Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбий фаолиятини амалга ошираётган тиббиёт ходимларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартирилари киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрладик ва эндиги вазифа ушбу қонун тезроқ қабул қилинишига эришиш саналади.

Ҳар бир соҳа фаолияти,

одамларнинг турмуш тарзига партия лойиҳалари доирасида жойларда ўтказилаётган ўрганишларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича олиб борилган ишлар ҳам ижобий таъсир қилмоқда. Партиянинг “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” лойиҳаси доирасида мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида тиббий хизматнинг аҳоли республика миқёсида ўрганилди. Мазкур лойиҳа доирасида аниқланган муаммолар, камчиликлар, билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, Ҳукуматга, вазирликка тақдим этилди. Ушбу маълумотномада қайд этилган муаммоларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат ва вазирлик томонидан бир қатор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида тиббий-санитария меъёрлари қайта кўриб чиқилди ва тўлиқ ўзгартирилди.

Умид қиламизки, партия ва вазирлигимиз ўртасида имзоланган меморандум доирасида халқимизнинг тиббиётга ишончини камайтирувчи муаммоларни биргаликда бартараф этиш давом этамиз.

Мамлакатимизда жорий йил 22 декабрь куни бўлиб ўтadиган сайловларнинг “Янги сайлов, янги Ўзбекистон!” шиори остида, очиқ ва ошкоралик руҳида ўтказилиши барча сиёсий партиялар учун ўз имкониятларини тўлақонли намоён этишларига яна кенг йўл очиб бермоқда.

Қонунлар ишлашини таъминлаш лозим

Сайловда муносиб ўрин эгаллаш ҳамда сайловчилар ишончини қозонишда партия томонидан ўтган вақт мобайнида сайловчиларга берилган ваъдаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида эришилган амалий натижалар муҳим. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ҳам ўз фаолияти давомида партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда қатор қонунчилик нормаларининг ишлаб чиқишига эришди. Халқимиз манфаатларига мос келмайдиган бир қатор қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқиши жараёнида эса, халқимиз манфаатларини ўзида акс эттирган 3 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига альтернатив сифатида киритилди, шулардан 2 таси қабул қилинишига эришилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Ўтган вақт мобайнида ҳар ойнанг охириги 10 кунлигида фракция аъзолари ўз сайлов округларида ташриф буюриб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказди. Юзма-юз мулоқотлар жараёнида аҳолини ўйлантириб келаётган бир қатор муаммолар ўз жойида ҳал этилган бўлса, республика миқёсида ҳал этиладиган бир қатор муаммолар умумлаштирилиб, ушбу масалалар юзасидан тўрт марта “Ҳукумат соатлари” ташкил этилди ҳамда фракция ташаббуси билан 4 та парламент сўрови мутасадди вазирликларга юборилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида янгилашлар ҳудудларида ва республика марказида қонунлар ишлашини таъминлаш юзасидан парламент назоратини кучайтиришга ҳизмат қилмоқда. Бу борада фракция аъзолари сони бошқа партиялардаги депутатларга нисбатан кам сонли бўлсада, ташаббускорликда фаол ишлаётганини таъкидлаш жоиз. Бу эса жорий йилги сайловларда қанчалик кўп депутатлик ўрнига эга бўлса, келгусида ижобий натижалар бундан да кўпроқ бўлишини ҳам аниқлатади. Сайловолди дастуримиз халқимизга маъқул келиб, уни амалга оширишимизда юртдошларимиз бизни қўллаб-қувватлаб, номзодларимизга кўпроқ овоз беришига ишонамиз.

Халқ хоҳиш-истакларининг ифодаси

Бугун сиёсий партиялар муҳим сиёсий жараён, ўз фаолияти ва вазифаларини намоён этиш учун катта имтиҳон арафасида турибди. Улкан сиёсий майдонга ҳар бир сиёсий куч ўз дастурий гоёларига таянган ҳолда чиқиб келмоқда.

“Адолат” социал-демократик партияси ҳам сиёсий курашларда ўз сўзини дадил айта олишига шубҳа йўқ. Халқ фаровонлиги учун ҳисса қўшишда Сайловолди дастуримизда аниқ белгилаб қўйилган таъминлаш асосида иш олиб борамиз. Қурултойда партия Сайловолди дастурини тасдиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқдик. Сайловолди дастуримизнинг ҳаммуаллифи — халқ. Ушбу ҳужжат жамоатчилик таклифлари асосида тақомилига етди.



Зарифа ЭРАЛИЕВА, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати

Партиямиз фаолияти социал-демократик гоёларга асосланганидан келиб чиқиб, дастурда ижтимоий соҳага катта эътибор қаратилган. Жумладан, биз ўқитувчилар ҳуқуқий мақоми, иш ҳақининг ошиши ва ижтимоий мавқеини кўтариш, ижтимоий пакетни яхшилашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни давом эттириш учун курашамиз. “Адолат” СДП шу мақсадда “Ўқитувчининг мақоми тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиниши таклиф этмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — олий маълумотли кадрларнинг кўпайтириши. Бу ўз навбатида, улар ўртасида соғлом рақобатни кучайтиришга ҳизмат қиладди. Партиямиз олий маълумотлилар сони бўйича мам-

«Халқ судлари» ва «Халқ прокуратураси» суд-ҳуқуқ соҳасида янги ислохотлар зарур

“Адолат” социал-демократик партиясининг Қурултойида навбатдаги сайловлар олдидан тайёрланган Сайловолди дастури тасдиқланди. Бир неча ой давомида ушбу ҳужжатни тайёрлаш билан банд бўлиб, уни ҳар тарафлама тақомилга етказишга ҳаракат қилдик. Бу жараёнда партия тизимидagi барча бошланғич партия ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик ўрнатилди. Сафдошларимиз билан бир қаторда кенг жамоатчилик вакиллари, халқимиздан таклифлар йиғиб олинди ва билдирилган фикрлар сиёсий ҳужжатимизда акс этди.

Жумладан, Сайловолди дастурида “Судлар тўғрисида”ги қонунни тақомиллаштириш таклиф этилган. Бунда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судлари негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилиш кўзда тутилган. Уларга “Халқ судлари” мақоми беришни, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклашни таклиф қилдик.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорларини ижро қилиш ваколати прокуратура ва ички ишлар органларига берилган бўлиб, бу ҳолат халқаро талабларга жавоб бермайди. Қолаверса, жазо ўтаётган шахслар таъқиб қилувчи органлар

қўлида бўлмаслиги лозим. Биз суд қарорлари ижроси билан боғлиқ ваколатларни ва жазони ижро этиш муассасаларини суриштирув ҳамда тергов ваколатига эга бўлмаган, ҳолис орган — адлия идораларига беришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Шунингдек, Сайловолди дастурида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш функциясини кенгайтириш гоёси илгари сурилган. “Адолат” СДП қўйи прокуратура органларига “Халқ прокуратураси” мақоми беришни маъқул кўрмоқда.

Шуни яна таъкидлаш жоизки, Сайловолди дастурида кенг омма ўртасида қизгин муҳокама



Дилмурод ИСМОИЛОВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи

қилинди, уларнинг фикрлари асосида қурилди. Шу мақсадда ўтказилган давра сўхбатларида партия Сайловолди дастурининг суд-ҳуқуқ соҳасига оид қисми, айниқса, қўллаб баҳсларга сабаб бўлди. Аён бўлдики, дастурида илгари сурилган гоёларнинг амалиётга татбиқ этилишидан нафақат юртдошларимиз, балки ушбу соҳа ходимлари ҳам манфаатдордир.

Коррупция мавжудлиги давлатга ишончсизлик уйғотади

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастурига киритилган ҳаётий ва устувор йўналишлардан бири, бу коррупцияга қарши курашишдир.

Сайловолди дастури лойиҳасини тайёрлашда республикамизнинг барча туман ва шаҳарлари, олис қишлоқларда ўтказилган муҳокамалар жараёнида фуқаролар коррупция ҳолатлари кўпчиликтида эътироз уйғотаётганини айтиб, бу иллатга қарши курашиш юзасидан таклифлар билдирилди. Шу боис партия томонидан ташкил этилган экспертлар гуруҳи ушбу тизимдаги ислохотлар натижасини таҳлил этиб, мазкур муаммони батамом кун тартибидан олиб ташлаш борасида бир қатор таклифларни ишлаб чиқди.

Жумладан, Сайловолди дастурида энг аввало, коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш лозимлиги қайд этилган. “Адолат” СДП

коррупцияга қарши курашишда фақатгина давлат идоралари ташаббуси билан бирор натижага эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ушбу жараёнга халқимизни ҳам жалб этиш ҳамда бу ҳаби ҳолатлар ҳақида маълум қилган фуқароларни рағбатлантириш ва дахлсизлик ҳуқуқини кучайтириш лозим.

Коррупцияга қарши курашиш, энг аввало, адолатни таъминлашга ҳизмат қилувчи ташкилотлар — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва давлат бошқаруви органларидан бошлаш лозим. Зеро, мазкур идораларнинг ўзида бу иллатнинг учраши алоҳида давлатга нисбатан ишончсизлик, ислохотларга нисбатан норозилик кайфиятини шакллантириши ҳеч кимга сир эмас.




Гулнарис ХУДАЙБЕРДИЕВА, Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди судьяси

Бугунги кунда ушбу соҳада муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да мамлакатимиз рейтингни пастиликда қолмоқда. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, коррупцияга қарши кураш билан биргаликда унинг натижасини ҳам кенг жамоатчилик ва халқаро ташкилотларга тўлиқ етказиб бериш устувор йўналишлардан бирига айлангани керак.

Вазифалар ижроси сайловлардаги натижаларга боғлиқ

Шу билан бирга, фракция аъзолари парламент кўйи палатасининг ялпи мажлислари кун тартибига киритилган барча қонун лойиҳалари бўйича қизгин муҳокамаларда иштирок этди. Муҳокамалар жараёнида зарур ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг 1200 га яқин таклифлари билдирилди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур таклифларнинг 600 га яқини Сайловолди дастури-



Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

миз нуктаи назаридан келиб чиқиб билдирилди.

Ҳисобот даврида фракция томонидан қонун лойиҳалари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарорлари лойиҳалари юзасидан партиянинг қўйи тизимидан таклифлар олиш ва умумий позицияни шакллантириш йўлга қўйилди. Хусусан, партия тизимидa “Фракция — марказ — вилоят — туман” тартибидa ишлайдиган янги тизим жорий этилди.

Ҳисобот даврида фракция аъзолари 43 та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлдилар. Шулардан 9 таси яхлит қонунлар бўлса, 34 таси мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан иборат бўлди.

Хусусан, “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Конституциявий суд тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги, “Яйловлар тўғрисида”ги каби яхлит қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, партия Сайловолди дастурининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимини ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг тизимли олиб борилишини таъминлаш ҳамда халқимизнинг бу икки соҳага бўлган ишончини мустақамлаш борасида Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар ҳаётга татбиқ этилди.

Албатта, жойларда партияимизнинг янги дастурлари лойиҳаси муҳокамаси жараёнларида юртдошларимиз фракция фаолияти ҳақида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирилди. Биз қонунлар қабул қилинишида қўйи палата аъзоларининг кўпчилиги овози ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги, бу эса фуқаролар билдирилган асосли таклифларни рўёбга чқаришимизда муҳим эканини ҳам қайд этдик. Қурултой иштирокчилари билан ўзаро мулоқотларда сайловолди тарбиёт-ташвиқот ишларида ушбу муҳим жиҳатга эътибор қаратишимиз хусусида фикрлашиб олдик.

САЙЛОВ — 2019

Жамият тараққиётига
масъул ёшлар
уларнинг катта қисми
сайловда илк бор
овоз беришади

Маълумки, Бош қомусимизнинг 117-моддасига
биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари
давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва
сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Овоз бериш ҳуқуқи,
ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркин-
лиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умий,
тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида
яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбе-
кистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган
фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.



Шу маънода айтганда,
муқтадил Ўзбекистонимиз-
нинг фаровон келажаги учун
масъул бўлган миллионлаб
ёшларимиз ҳам шу йилнинг
22 декабрь кунини Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажли-
си қонунчилик палатаси ва
маҳаллий Кенгашларга бўлиб
ўтадиган сайловларда ишти-
рок этишади. Уларнинг ай-
римлари эса сайловда илк
бор овоз беришади.

Қолаверса, бўлажак ҳуқуқшу-
носларга сайловда муносиб
номзодларга овоз бериш-
лари ҳамда ўз фаоллиги билан
бошқа тенгдошларига наму-
на кўрсатишлари лозимлиги
тушунтирилди.

Шу ўринда бу галги сай-
ловнинг бурунги сайловлар-
дан фарқ қилувчи бир жиҳа-
тига тўхталсак. Яқинлашаёт-
ган сайловда ижтимоий хав-
фи катта бўлмаган ва унча
огир бўлмаган жиноятни со-
дир этиб, озоликдан маҳрум
қилиш жазосини ўтаётган
шахслар ҳам овоз бериша-
ди. Бу ҳам бўлса юртимизда
кечаётган кенг қўламли ис-
лохотларнинг яққол намуна-
сидир. Бунинг учун жазони
ижро этиш муассасаларида
сайлов участкалари ташкил
этилади.

Ҳозир коллежимизда
1046-сайлов участкаси таш-
кил қилинган. Мазкур сайлов
участкаси орқали Фарғона юри-
дик коллежиди ўқийман.
Айни пайтда коллежимизда
588 нафар ёшлар билим оли-
шади. Бу галги сайловларда
улардан 298 нафари ўзлари-
нинг сайлаш ҳуқуқидан илк
бор фойдаланишади. Бино-
барин, бугунги кунда ёш сай-
ловчиларнинг сиёсий билим-
лари ва фаоллигини оши-
ришга жиддий эътибор қар-
атилмоқда. Жумладан, "Янги
Ўзбекистон, янги сайловлар!"
шиори остида ўтказилган
жорий йилги сайловнинг
аҳамияти, унинг аввалги сай-
ловлардан фарқлари, Кон-
ституциянинг сайловга оид
боб ҳамда моддалари,
Ўзбекистон Республикаси-
нинг янги қабул қилинган
Сайлов кодекси, "Фуқаролар
сайлов ҳуқуқларининг кафо-
латлари тўғрисида"ги қону-
ни ва бошқа ҳужжатлар маз-
мун-моҳияти юзасидан кенг
қўламли ҳуқуқий тарғибот
тадбирлари ташкил этилди.

Мухтасар ЖҲРАБОВЕВА,
Фарғона юридик
коллежи ўқувчиси

ИИБ хабари

Мастлик ортидаги фожиа

2019 йил 3 ноябрга ўтар кечаси соат тахминан 02:00да
Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани "Чиял" МФИда яшовчи
фуқаро Р.А. маст ҳолатда кўшнис Қ.Б.нинг уйига гайриқо-
нуний равишда кирган.

У қўлида бўлган уяли телефони чирогини ёққанида,
ётоқхонада ухлаб ётган Қ.Б. уйғониб, уни келиноийси
Г.Т.нинг олдида келган деб ўйлаб, Р.А.ни ерга йиқитиб, қўл
ва оёқлари билан баданининг турли жойларига уриб-тегиб,
тан жароҳати етказган ва Р.А. қочиб кетмаслиги учун қўл ва
оёқларини боғлаб, ИИБга хабар қилган.

Ҳодиса жойига келган ИИБ ходимлари томонидан Р.А.-
нинг соғлиги огир аҳволдалиги учун тез тиббий ёрдам
чақирилган, бироқ Р.А. шифохонага олиб борилмаётган
вақтда вафот этган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2019 йил 3 ноябрь кунини Чироқчи
тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлимига томонидан
Қ.Б.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси-
нинг 104-моддаси 3-қисми "д" банди (қасддан баданга огир
шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлишига
сабаб бўлиши) билан жиноят иш қўзғатилган.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари давом
эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
ҳузуридаги Тергов департаменти

БУГУННИНГ ГАПИ

Жамиятимизда ҳар йили ўртача ўн мингга яқин оила барпо бўлади. Шулар-
дан деярли 95 фоизи жамиятнинг асосий бўғини сифатида ҳаёт синонвларида
сабр ва бардош билан ўзини сақлаб қолса, айрим оилаларнинг бузилиб кета-
ётгани ташвишли ҳолдир. Биламизки, оилада тарбиянинг илдиизига асос соли-
нади. Оила — болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва
фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактабидир.

«Менинг никоҳим
ҳақиқий эмас...»

Оила муносабатларининг
ҳуқуқий тартибга солиниши
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси ва бошқа
қонунлар, хусусан, Фуқаролик
ва Оила кодекслари билан му-
вофиқлаштирилади. Жумладан,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясида оилавий му-
носабатларга 4 та модда(63-
66-моддалар)дан иборат ало-
ҳида "Оила" деб номланган 14-
боб бағишланган бўлиб, айнан
63-моддасида "Оила жамият-
нинг асосий бўғинидир ҳамда
жамият ва давлат муҳофаза-
сида бўлиш ҳуқуқига эга" дея
таъкидланган. Бирок оила ата-
лувчи муқаддас даргоҳни бар-
по этаётган баъзи ёш келин-
куёвлар бу вазифага энгил
қараб, унинг муқаддас эканли-
гини тўлиқ англаб етмаптилар.
Ваҳоланки, никоҳ муноса-
батлари ҳар бир кишининг
ҳаёти учун жиддий аҳамиятга
эга бўлган муҳим ҳодисадир.

Фикримизнинг давоми сиф-
атида жорий йилнинг бирин-
чи ярмида Фуқаролик ишлари
бўйича Тошкент шаҳар туман
судлари томонидан никоҳни
ҳақиқий эмас деб топиш бил-
ан боғлиқ кўрилган ишлар-
нинг сони 16 тани ташкил қил-
ганлигини, шундан 6 таси
қаноатлангиларни, 8 таси
рад этилганлигини ва 2 таси
кўрмасдан қолдирилганини ай-
тишимиз мумкин. Шунингдек,
жорий йилнинг биринчи ярми-
да никоҳдан ажратиш ҳақида

кўрилган ишлар сони жами
2959 тани ташкил қилиб, шун-
дан 1393 таси қаноатлангилар-
дан ва 1307 таси қаноатлангилар-
дан рад этилган, 101
таси эса иш юритувидан туга-
тилган. Бу кўрсаткич ўтган 2018
йил шу давр ҳолатида 2822 тани
ташкил этган бўлса, жорий йил
кўрсаткичи 137 тага кўпайган-
лигига гувоҳ бўламиз. Бу, ал-
батта, ачинарли ҳолат. Биноба-
рин никоҳни ҳақиқий эмас деб
топиш ҳақидаги даъволар сони
ҳам камаймаяпти.

Ўзбекистон Республикаси
Оила кодексининг 13-моддаси-
га кўра, никоҳдан ўтувчилар
ариза берганларидан сўнг бир
ой муддат ўтгач никоҳлари
қайд этилади. Бундай муддат
белгиланишидан мақсад никоҳ-
га киришувчиларнинг бир-бир-
лари билан яхши танишиб олиш-
лари учун имконият яратиш, шу-
нингдек, шошма-шошарлик бил-
ан никоҳдан ўтишларига йўл
қўймайликдан иборат. Бир ойлик
муддат ичида никоҳга кирувчи-
лари никоҳ тузишга бўлган ўз хо-
ҳишларини яна текшириш имко-
ниятига эга бўладилар. Қолавер-
са, бу муддатда никоҳни қайд
этишга монелик қиладиган ҳолат-
лар ҳам аниқланиши мумкин.

Бугунги кунда қонуний ни-
коҳдан ўтиб, турмуш қурган
баъзи фуқаролар ўз никоҳла-
ри ҳақиқий эмаслигини ва ж-
қилаётганига ҳам гувоҳ бўляп-
тиз. Фуқаролик процессуал
амалиётда бу борадаги даъво-



дан судга даъво ариза кири-
тилганига қадар тўй ҳаракат-
лари олиб борилганлигини, та-
рафлар ўз хоҳиши билан ни-
коҳдан ўтишга рози бўлганли-
клари ва тиббий қўриқдан ўтиш-
ганлиги, улар ўртасида низо
аслида ҳар иккала тарафнинг
ота-оналари ўртасида келиб
чиққанлиги, бу ҳолат никоҳни
ҳақиқий эмас деб топишга
асос бўла олмаслигини ино-
батга олиб, даъвогар Р.Воҳи-
дованинг никоҳни ҳақиқий эмас
деб топиш ҳақидаги даъво ари-
засини рад этишни лозим топ-
ган. Аниқланишича, тарафлар-
нинг аввалдан оила қуриш
ва бир оила бўлиб яшаш ниятла-
ри бўлган. Шу сабабли улар
ихтиёрий равишда ФХДЭ орга-
нига ариза билан мурожаат
этишган. Никоҳ тўйига
ўзаро муносабатлари тўғри
келмаганиги сабабли даъво-
гар Р.Воҳидова никоҳни
ҳақиқий эмас деб топишни
сўраган. Мазкур ариза туман
судининг қарори билан рад

дан судга даъво ариза кири-
тилганига қадар тўй ҳаракат-
лари олиб борилганлигини, та-
рафлар ўз хоҳиши билан ни-
коҳдан ўтишга рози бўлганли-
клари ва тиббий қўриқдан ўтиш-
ганлиги, улар ўртасида низо
аслида ҳар иккала тарафнинг
ота-оналари ўртасида келиб
чиққанлиги, бу ҳолат никоҳни
ҳақиқий эмас деб топишга
асос бўла олмаслигини ино-
батга олиб, даъвогар Р.Воҳи-
дованинг никоҳни ҳақиқий эмас
деб топиш ҳақидаги даъво ари-
засини рад этишни лозим топ-
ган. Аниқланишича, тарафлар-
нинг аввалдан оила қуриш
ва бир оила бўлиб яшаш ниятла-
ри бўлган. Шу сабабли улар
ихтиёрий равишда ФХДЭ орга-
нига ариза билан мурожаат
этишган. Никоҳ тўйига
ўзаро муносабатлари тўғри
келмаганиги сабабли даъво-
гар Р.Воҳидова никоҳни
ҳақиқий эмас деб топишни
сўраган. Мазкур ариза туман
судининг қарори билан рад

этилган. Қарордан норози
бўлган жавобгар С.Қодиров то-
монидан кассация шикоятни
келтирилиб, шикоятда бирин-
чи инстанция суди мажлиси-
даги тушунтиришни ўзгарти-
риб, имтиёзли равишда уй-жой
олишни қўлаб даъвогар билан
никоҳни расмийлаштирилганли-
гини важ қилиб келтирган.
Бироқ Ўзбекистон Республика-
си ФПКнинг 57-моддасида
белгиланган тартибда бу
ҳолатни тасдиқловчи дахлдор
далилларни судга тақдим эта
олмаган. Ўз навбатида, унинг
келтирган важи ҳақиқатга тўғри
келмаганиги сабабли асосий
ҳисобланади. Бундан ташқари,
кассация инстанция суди
мажлисида никоҳни ҳақиқий
эмас деб топишга асос бўла-
диган ҳолатларнинг бирортаси
мавжуд эмаслиги, никоҳни рас-
мийлаштиришда қонун талаб-
лари бузилганлиги ҳолати
аниқланмади. Шу сабабли суд-
лов ҳайъати биринчи инстан-
ция судининг қайд этилган ҳу-
лосалари билан келишган.
Умуман олганда, суд бу маз-
мундаги даъволарнинг асл са-
бабини атрафлича ўрганиб,
ўзининг ҳуқуқий ва асосли му-
носабатини билдиради.

Жамиятимизда шундай қатъ-
ийлик, оиланинг муқаддасли-
гини тўлиқ англаб етмайдиган
фуқаролар учраб туриши, ал-
батта, ачинарли ҳол. Қолавер-
са, оила қуриш мақсадини
қўзламай, аксинча, ўз моддий
манфаатларига эришни йўли-
да никоҳдан ўтаётган фуқаро-
лар учраётгани ахлоқий тар-
бияга ўз салбий таъсирини
ўтказмай қолмайди.

Никоҳ — муқаддас тушунча,
унинг натижасида оила барпо
этилиб, у жамиятнинг устунига
айланиши ёшларимиз ан-
гашлари лозим. Бу устунар эса
ўз навбатида, жамиятимизда
маънавий соғлом муҳит қарор
топишга хизмат қилади.

Гўзал ЗИГАНШИНА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар суди судьяси,
Сурайё СОДИКОВА,
журналист

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Инсон умри, ҳаёт йўли ҳар доим ҳам раван бўлавермайди. Унинг қинғир-
қийшиқ сўқмоқлари, юрса нафақат оёққа, балки юракка ботадиган тиканлари
бўлади. Ана шу машаққатларни энгиб ўтган кишигина фаровон турмуш кечиради.

“Икки дунёсини
куйдирган аёл...”

Салима Пирматова (мақола-
даги барча исм-фамилиялар
ўзгартирилган — тахририят) эса
шу оддий ҳақиқатни англаб ет-
мади ёки англаб етса ҳам тақ-
дир измига бўйсунгани келма-
димми, ишқилиб ҳаётнинг илк
зарбаларидаёқ ўзича “ҳеч ким-
га бош эгмади”, аслида эса иб-
ратли келин, севимли аёл бўлиш
каби улғу мартабалардан ай-
рилди: эридан ажрашиб, бир
нафар фарзанди билан ёлғиз
яшашни афзал кўрди. 1991 йил-
да Тошкент шаҳрида туғилган ва
ўрта маълумот олган Салима
Тошкент вилоятининг Қибрай ту-
манидаги “Пахтакор” кўчасида
рўйхатда туради, ўзи эса Тош-
кент шаҳрининг Мирзо Улуғбек
туманидаги “Навниҳол” МФИ-
нинг Мўминова кўчасидаги хо-
надонда истикомат қилади.

“Гўзаллик салони”да ишлаёт-
ган Салима 2016 йилда Ҳаким
Алиев билан шаръий никоҳдан
ўтиб, турмуш қуради ва бир йил-
дан кейин оналик бахтига сазо-
вор бўлади. Фарзанд тарбияси
билан машғул бўлиб уйда ўти-
риш, эрининг толганига қаноат
қилиш Салиманинг фикрича,
“қўли пул қўрган” ўзи каби аёл-
га “тўғри келмади”. Текин да-
ромат топиш ва қўшмачилик
қилиш мақсадида интернет тар-
моғида саҳифа очиб, эркаклар-
га энгилтабиат кизларни тавсия
эта бошлади. Сайтдаги эълон-
ларни ўқиган киши хайратдан
ёқасини ушлади, нафратдан
танасига титроқ қиради ва но-

мусдан қўли муштга айланади.
Унда:
“1 соатлик “хизмат кўрсатиш”
400 минг сўм; бир кечалик хиз-
мат 800 минг сўм... қилиб бел-
гиланган”.

Елҳазар, аёл киши — она бўла
туриб, кизларни, миллатимиз ке-
лажаги оналарини қабоҳатнинг
жирканч ботқоғига бошласа...
“Турмуш — мушт” деганлари-
дай, ҳаётнинг аччиқ-чучуғига,
турмушнинг муштга чидамай бу
орада Салиманинг ўзи ҳам икки
ярим йиллик оиласини барбод
этиб, яъни 2019 йилнинг фев-
ралда турмушидан осонгина
ажрашади.

Салима сартарошхонада бир-
га ишлаган дугоналарини ва
бошқа таниш кизларни ҳам шу
ишга чорлайди: 50/50 келишим
бирга ишлашини, яъни мижоз
топиб бергани учун 50 фоиз пу-
лини унга беришларини айтади.
“Кўр кўрни қоронғида топади”,
деган мақол кўзи оқизлар учун
эмас, аслида мажозий маънода
Салимага ўхшаган маънавий
кўрлар учун айтилган. Бўлмаса
унинг бундай қабих ишига ше-
рик бўлувчилар топилаётми?
Афсуски, топилди. Ўзига ўхша-
ган баъзи кизлар, хусусан,
“Гўзаллик салони”да бирга иш-
лаган шогирди Нафиса Раши-
дова бажонидил у билан бирга
ишлаш тақлифини қабул қила-
ди ва бир ярим йил давомида
унга мижоз сифатида хизмат
қилади. Октябр ойида Нафиса
бир ҳафтага Жиззахга бориб,

яқинларини кўриб келиш учун
уйига кетадию, 10 кун қолиб ке-
тади. Бу орада ҳаром пулга
ўрганган Салима дарҳол янги
мижозга эҳтиёж сезади ва ду-
гонаси Гулзор билан унинг уйи-
га бир-икки марта келган ўртоғи
Малоҳат Муқимовага “қармоқ”
ташлайди. 04.10.2002 йилда ту-
ғилган, эндигина 10-синфда
ўқийётган Малоҳат аввалига бу
тақлифга кўнмайди, албатта.
Аммо мижознинг 500.000 сўм
беришини, шундан 250.000 сўми
унга тегишини, Салиманинг пул-
га жуда муҳтож эканлигига “раҳ-
ми келиб”, рози бўлади.

Салима 2019 йилнинг 19 ап-
рель кунини соат 22³⁰ларда, таъ-
бир жоиз бўлса, ҳали она сути
озидан кетмаган Малоҳатга те-
леграмм тармоғи орқали мижоз-
нинг 2 соатлик “хизмат”га
600.000 сўм беришини айтади
ва у келгач, “Яндекс” такси ор-
қали Яшнобод туманида жой-
лашган “Шош” ресторани олди-
га юборади. Ресторан олдида
уни мижоз кутиб олиб, энди-
гина уйга киришаётганида ИИБ
ходимлари уларни тўхташиб, на-
зоратдан ўтказишади. Чорасиз
қолган Малоҳат бўлган воқеа-
ни айтиб беради ва ИИО ходим-
ларининг Салима Пирматова-
нинг ноқонуний ҳаракатларини
фотиш бўйича қарор тад-
бирида иштирок этишда ёрдам
бериш ҳақидаги тақлифига рози
бўлади. Малоҳат ички ишлар хо-
димлари берган 170.000 сўм
пули олиб, С.Пирматованинг



уйига боради ва пули унга бе-
раётган вақтида ИИО ходимла-
ри кириб келиб, ҳолат бўйича
ҳужжатлар расмийлаштирилади
ва шу билан хотин-кизлар шаъ-
нини поймол этувчи, ер билан
битта қилувчи гуруҳ фаолиятига
нуқта қўйилди.

Жиноятни фотиш этиш ички
ишлар органлари ходимлари-
нинг, жиноятчиларга қонун дои-
расида ҳукм чиқариш суд орган-
ларининг фаолиятига қиради.
Аммо бир нарса кишини азоб-
лайди: ҳали ўтизга ҳам кирма-
ган, гулдек оила бекаси турмуш
ўртоғи билан ширингина ўғли-
дан иборат оиласи бахтидан
масрур бўлиб, бориға қаноат
қилиб, қувончларга тўлиб яшай-
диган палласида шундай гўзал
бахтдан юз ўтгириб, қабихликка
қўл уриши, бунинг устига ўзи
ҳам аёл, ҳам она бўла туриб,
балогат ёшига ҳам етмаган
қизни тубанлик ботқоғига боти-
риши, нопок йўлга бошлаб, ум-
рини ҳазон қилишини адолат та-
розисида ўлчаб, қандай баҳо-
лаш мумкин? Ҳолбуки, у Мало-
ҳатнинг эндигина 16 дан ошга-
нини яхши биларди. Бу ҳақда
тергов ҳужжатларида шундай
дейилади: “С.Пирматова унинг
неча ёшда эканини билганини,
чунки уни ўзининг «Матиз» ру-
сул машинасида бор неча
бор мактабига олиб бориб
қўйганини билдирди”. Бу изоҳ-

ни ўқиб саволлар қўйилиб ке-
лаверди: мактаб ўқувчисини
шундай чиркин оламга бошла-
ган одамни нима дейиш мум-
кин? Машинаси бор инсон “қий-
налик қолган” ҳисобланадими?
Аёлдек улғу зот машинаси ту-
гул ейишга нони бўлмаганида
ҳам бундай жирканч ишни
қилишга қўл урмайди! Бу жино-
ят тафсилотларини эшитиб,
кексаларнинг имони, инфоли
ордаларига “Икки дунёсини
ҳам куйдирибди”, деган гаплари
мағзини қаққандай бўлади киши.

Малоҳат-чи? Ўқиб, изланади-
ган, бахтли келажакка интила-
диган, катта даргоҳларда билим
олиши, оиласига, юртига нафи
тегадиган инсон бўлиб камолга
етиши учун ҳаракат қилиши ло-
зим эмасми? Бу ёшдаги киз-
ларни яқинлари ҳатто ёмон
қўлардан, бегона нигоҳлардан
асраб-авайлашади. Малоҳатнинг
бундай хатти-ҳаракатини қандай
баҳолаш мумкин? Афсуски, бун-
дай тубанликни ифодалашга сўз
топиб бўлмайди. Саволларга жа-
воблар ҳам мавқум...

Хулоса эса ҳар кимнинг ўзидан!

Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман суди судьяси,
Саодат МАТЁКУБ қизи,
“Adolat” муҳбири.

Хавотирга ўрин йўқ

Давоми. Бошлангич 1-бета

Бу борадаги барча муружаат ва чиқишлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилди. Маълумки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, дори воситаларининг сифати, самарадорлиги ва безарарлиги тегишли экспертизадан ўтказилиб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнггина тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилади. Бундан ташқари, юртимизда ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган ҳар бир дори воситасининг ҳар бир серияси сифат назоратидан ўтказилиб, мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади. Жумладан, буйрак трансплантацияси ўтказилган беморларга берилётган дорилар ҳам ҳар томонлама чуқур синовдан ўтказилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида буйрак ва жигар кўчириб ўтказилган 664 нафар бемор рўйхатга олинган бўлиб, улардан 590 нафар бемор такролимус ва микрофенлат мофетил препаратлари билан давлат томонидан бепул таъминланмоқда. Дори воситаларининг ўз вақтида беморларга етказиб берилиши ҳам қатъий назоратга олинган. Бироқ кейинги вақтларда бундай дориларни етказишда қисқа муддатли узил-кисил бўлиб, дори захираси камайди. Давлатимиз томонидан бу муаммага ўз вақтида ечим топишнинг шошилини чоралари кўрилди.

Шу боис, 2019 йил июль ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги иммуносупрессор дори воситаларини етказиб бериш бўйича танлов ўтказди. Беморларни ушбу зарур дори воситалари билан таъминлаш «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунга асосан очиклик ва шаффоқлик тамойиллари асосида амалга оширилди. Бунинг натижасида, Соғлиқни сақлаш ва-

зирлиги ва «PharmHealth» МЧЖ ўртасида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган «Ролиграф», «Алосепт» иммуносупрессор дори воситаларини харид қилиш бўйича шартнома тузилди. Ҳозирги пайтда буйрак ва жигар трансплантация қилинган беморларнинг иммуносупрессор дори воситаларига бўлган аҳтиёжи тўлиқ қопланди.

Шу ўринда айтиш керакки, «Алосепт» ва «Ролиграф» дори воситалари республикамиз ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва тегишли мувофиқлик сертификатларига эга. «Ролиграф»нинг таркиби беморларга илгаридан бериб келинган «Панграф»нинг таркиби билан мутлақо бир хил. «Алосепт» дорисига келсак, у ҳам илгаридан ишлаб келинадиган «Майсепт» дорисининг аналог шаклидир. Ушбу дори воситалари зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилган бўлиб, ўз давлатида ва бошқа хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилиб, тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган. Шу ўринда такрор айтмишқим, ҳар бир дори воситаси GMP, яъни халқаро талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилди, демак, унга нисбатан шубҳа бўлиши ноўрин ҳисобланади.

Интернет тармоғида, шунингдек, ҳозирда Ўзбекистонда истеъмолда бўлган «Алосепт» дори воситаси қадоғини халқаро реестрлардан топа олмаганликларига ҳақида ҳам фикр билдирилган. Бунинг сабаби шунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги «Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, дори воситасини мамлакатимизда рўйхатдан ўтказиш жараёнида мўлжалланган ўрамининг макети тасдиқланади. Шунинг учун ушбу макет бошқа давлатлар реестрига киритилиши талаб этилмайди. Ҳар бир мамлакатда мазкур давлат талабларига мувофиқ дори воситаси ўрамининг макети тасдиқланади.

Яна бир муружаатда беморлар «Панграф», «Майсепт» дори воситаларидан «Алосепт», «Ролиграф» препаратларига ўтишганида ич кетиши, кўнгил айниши, ҳолдан тойиш каби ҳолатларни бошдан кечирганликлари айтилади. Аммо Соғлиқни сақлаш вазирлигига бугунги кунгача бу борада бирор бир расмий муружаат келиб тушмаган. Бундай муружаатларга жавобан шунга айтишимиз мумкинки, айна пайтда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида буйрак трансплантация ўтказилган беморлар «Ролиграф» ва «Алосепт» иммуносупрессив дори воситалари билан даволанаёпти. Бундан ташқари, айна пайтда юртимизда рўйхатга олинган 664 нафар бемордан 278 нафари ҳам айнан ушбу дори воситаларини истеъмол қилишмоқда. Мана, қарийб икки ойдики, улар шу дориларни қабул қилаёпти, аммо ноҳўя таъсири ҳақида шикоят бўлмади. Ҳозирги кунда Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам ушбу дори воситасини қабул қилган беморлар сонини 30 нафардан ортиқчи ташкил этади. Шу кунгача ушбу беморларда ҳам ноҳўя таъсири кузатилгани йўқ.

Аслида, ҳеч қандай дори воситаси йўқки, ноҳўя таъсир кузатилмас. Ҳатто олдин қабул қилинган дориларда («Майсепт», «Панграф») ҳам ноҳўя таъсир тез-тез кузатилиб турган. Бундай ҳолатда дарҳол шифокор билан маслаҳатлашиш лозим. Агар ноҳўя таъсир айнан шу дори воситасидан бўлаётгани аниқланса, дорининг дозасини вақтинча камайтириш ёки зарур бўлса бошқа зарур даво муолажалари тавсия этилади. Бундай тактик тавсиялар бутун дунё трансплантолог шифокорлари томонидан деярли бир хил олиб борилди.

Шу ўринда бу дорилар ҳақидаги маълумотларни дуч келган шифокордан

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда буйрак ва жигар трансплантацияси ўтказилган беморларнинг дори таъминотида хавотирга ўрин йўқ. Бу борада барча жараёнлар, жумладан, дориларнинг сифати, ўз вақтида етказилиши ва беморларнинг қузатуви Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатъий назоратида.

эмас, иммуносупрессант дорилар билан ишлашни биладиган, бу борада тажрибаси, энг муҳими, бундай дориларни ишлатишга юридик ҳуқуқи бўлган шифокорлардан сўрашингизни илтимос қилган бўлардик. Акс ҳолда, бу дорилар «ноқонуний цехларда тайёрланган» каби исбот қилинмаган тахминлар юзасига келаверади.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилган беморларнинг барчасига бир хил дори буюрилиши масаласида ҳам ҳар хил мулоҳазалар юритилаёпти. Аввало, трансплантациядан кейинги даврда барча беморлар иммуносупрессант дориларни доимий равишда қабул қилиб бориши уларнинг ҳаёти учун муҳим. Бу йўналишда кенг тарқалган даволаш услуби уч компонентли схема бўлиб, биринчи навбатда, айнан таркибда такролимус элементини сақловчи дориларни беришдан иборатдир. Демак, такролимусдан ташқари бошқа дорини бера олмаймиз. Акс ҳолда трансплантация қилинган аъзо зарарланиб, иш фаолиятини йўқотди. Такролимусни қайсидаги сабабларга кўра бемор қабул қила олмасанига (ноҳўя таъсирлар ривожланган ҳолларда), уни фақат таркибда циклоспорин сақловчи дорига алмаштириш мумкин.

Дунё статистикасига эътибор берсак, трансплантацияни бошидан ўтказган беморларнинг 80 фоизи такролимусни, қолган 20 фоизи эса циклоспоринни қабул қилиб келади.

Ботир ДАМИНОВ,
Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори,
Улғабек ЙЎЛДОШЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош трансплантолог,
Зоҳид МАТКАРИМОВ,
Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим бошлиғи

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДАН

Жорий йилнинг 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» АЖга ОАВ вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

Ҳам ички бозорга, ҳам экспортга



Пресс-турнинг асосий мақсади ОАВ вакиллари Ўзбекистонда илк бор йўлга қўйилган «Ферросилиций» ва «Ферросилициймарганец»ни ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан таништириш бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 декабрдаги 954-сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Корейнинг экспорт-импорт банки маблағлари синдикатини яратиб орқали «Ўзметкомбинат» АЖга «Ферросилиций» ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида молиялаштириш банк сифатида таллаб олинди. Лойиҳа доирасида бир йилда 15 000 тонна «Ферросилиций» ишлаб чиқариш кўзга тутилган. Лойиҳанинг умумий ҳисоби 36 миллион АҚШ долларини ташкил этади. «Ўзметкомбинат» АЖга «Ферросилиций» ишлаб чиқариш бўлими қўрилди. Кредитлар 1 йил имтиёз билан 5 йил муддатга ажратилди. Шунингдек, махсулотларни ишлаб чиқаришда жами 290 та янги иш ўринлари яратилди.

«Ферросилиций» ва «Ферросилициймарганец» қора металл эгулувчанлик хусусиятини берувчи махсулотдир.

Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ушбу махсулотга ўнандан ортиқ хориж давлатларидан буюртмалар келиб тушмоқда. Илгари «Ферросилиций» ва «Ферросилициймарганец» хориждан импорт қилинган, ҳар йили бу махсулотни сотиб олиш учун давлатимиз томонидан 15 миллион АҚШ доллар сарфланган. Эндиликда у нафақат ички бозорни қоплайди, шунингдек, экспорт ҳам қилинади.

«Ўзметкомбинат» матбуот хизмати

БОЖХОНА БЕКАТИ

ОЁҚ КИЙИМГА ЯШИРИЛГАН ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ФОШ ЭТИЛДИ



Самарқанд вилояти божхона бошқармасининг «Жартеп» чегара божхона пости орқали мамлакатимизга кириб келган фуқаро Б.М.нинг кирдикорини замонавий қурилмалар қисқа фурсатда фош этди. Гап шундаки, ушбу шахс оёқ кийимининг товон қисми ичига умумий қиймати 13,7 миллион сўмлик 93 грамм тилладан ясалган заргарлик буюмларини яширишга аниқланди.

1446 ДОНА ТИББИЁТ АНЖОМЛАРИ «КИЗИЛ» ЙЎЛАКДАН ЎТМАДИ

«Тошкент» халқаро аэропортига хориждан учиб келган фуқаро Р.М. «Кизил» йўлакдан ўтиш чоғида унинг юклари орасидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган, декларацияда кўрсатилмаган ҳамда божхоначиларнинг озақи сўровида маълум қилинмаган умумий қиймати 9,5 миллион сўмлик, 1446 дона тиббиёт анжомлари борлиги аниқланди.

«САВДО ПИШМАДИ»

Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари ДХД Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходимлари билан ҳамкорликда Келес шаҳрида тезкор тадбир ўтказди.

Тадбир давомида қўшни давлат фуқароси Ф.М. фуқаро А.Х.га намуна сифатида олиб келган, пакетчаларга жойланган марихуана гивҳандлик воситасини бераётган вақтида тезкор ходимлар томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Шунингдек, фуқаро А.Х.нинг яшаш хонадонини ҳам белгиланган тартибда қўздан кечирилди ва ушбу шахс ўз яшаш ўйида йирик миқдорда гивҳандлик моддаларини сақлаб келётгани аниқланди. Тадбир давомида жами бўлиб, 655,44 грамм марихуана ва 1 туп наша ўсимлиги ашёвий далил сифатида олинди.

Юқоридаги ҳолатлар ҳузусидан божхона органдари томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Божхона қўмитаси ахборот хизмати

МУТОЛАА

Ҳаётда шундай пайтлар, ҳолатлар бўладики, уни фақатгина ҳис қила оласиз. Бировга тушунтириб беришнинг имкони йўқ. Ҳаёлларингиз билан ўз дунёингизда яшайсиз. Мана шундай дамларда «Нима учун яшайман?», «Ҳаёт нима ўзи?», «Муҳаббат-чи?», «Меҳр-чи? деб ўйлаб қоласиз.

Ҳаёт – ажойиб саёҳат!

Баъзида ҳаётимизда нималар бўлаётганини тушунмай қоламиз, ўз муаммоларимиз билан ўралашиб юраверамиз, бахт келишини кутамиз. Ҳа, бахтини кутамиз! Аслида эса бахт ёнимизда, оддий нарсаларда бўлишини билмаймиз...

Ёзувчи Элчин Сафарнинг «Қайганимда уйда бўл» асарини ўқиш жараёнида ҳаётимдан юқоридаги фикрлар ўтди. Асарда ўзимни кўргандек бўлдим. Қалбимизнинг энг нозик туйғуларини ҳам черта олган асарда шундай жумла бор: «Ҳаёт — ажойиб саёҳат!»

Асар китобхонни яшашга руҳлантираркан, айниқса, ҳаётда асл мақсадни унутиб қўйганлар учун ибратли китоб экан деб ўйладим. Чунки бу китобда ҳаёт фақат ташвишлардан эмас, балки меҳр-муҳаббатдан ҳам иборат эканлиги кўрсатиб берилган.

Баъзи китобхонлар Элчин Сафарнинг асарларида воқелик эмас, туйғулар етакчилик қилади дейишди. Асарни ўқиш жараёнида бунинг ўзим ҳам ҳис қилдим. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ҳаммага маълум гапни янгича усулда сизга етказиб беради.

Асар номидан муҳаббат ҳақида бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, янглишган эканман. Бу китоб севгининг энг беғубор шакли, яъни отанинг ўз жигарбанди, қизига атаб ёзган мактубларидан дунёга келган асар экан.

Асарда отанинг фарзандига бўлган муҳаббати, эркак ва аёлнинг меҳр-муҳаббати, Ватанга муҳаббат, денгиз севгиси, касбга фидойилик, уруш асоратлари, эътиқод кучи туйғулар акти рақларда жиллонанади.

Айриликка кўниқолмаган, уни тан олишни хоҳламаган отанинг қалб нидолари фидоаланган. Аутизм касалига йўлқўчқилиги етмагандай, ота-онасини йўқотган Леоннинг беғубор нигоҳи. Йил бўйи қиш ҳукми сурадиган жойда тинчлиги учун шўкр қилиб яшайдиган Амирнинг новвойихонаси...

Янги асарлар кумга тушиб қолган олмос кабудир, давр кумлари остида маълум вақт қолиб-қолиб турсада, сара адабиёт қизиқувчилари деган шамол уни яна юзасига олиб чиқиб қўяверади.

Зебо САЛИМОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

Яқин ўтмишимизда миллий тафаккурни, миллий ўзликни издан чиқармоққа, шу йўл билан ўз ҳукронлигининг умрбоқийлигини таъминламоққа хомтама бўлган мустабид тузум тилимизни йўқотишга бел боғлаганди. Бу тизим тилимизга «ягона умумхалқ тили»нинг унсурларини ўринли-ўринсиз тикиштириш билан бирга айна шу «ягона умумхалқ тили»ни иккинчи она тилим дейдиганларга «хўроққанд»лар улашди, шу йўл билан ўз она тилини билмайдиганлар сафини кенгайтиришга уринди.

“Нега хато ёзасиз?”

Бу дунёда азизу муқаррам этиб яратилган инсон бошқа мавжудотларга нисбатан кўпроқ тўхфага эга. Улардан бири ва энг асосийси, ҳар биримиз учун она сутидек муқаддас бўлган она тилимиздир. Ҳали мурғак пайтимиздан бошлаб бу тилда мунис оналаримиз алласини тинглаб, тилимиз тароватини ҳис этган бўлсак не ажаб? Улғайган сари оламни кўзимиз, онгимиз ва тилимиз орқали англай бошлаймиз. Туйғуларимизни тил ёрдамида ифода этамиз. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таъбири билан айтилган бўлсак, тил — инсонийликнинг бош фазили. Унда миллатнинг руҳи, бутунлиги намоён, орзу-умидлари мужассам.

ри осмон ёритқичларидан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ».

Тилдаги равоф фикр миллатнинг сўз бойлигидан далолат. Ўзбек тили гурҳикмат, доно фикр, ифодаларга бой. Топиб айтилган ўзбекча лўфдан кўра ўқтам ва кайноқ сўз топиш қийин. Тилимиздаги лўнда ва пишиқ иборалар эса ҳар бир кишини ҳайратга солиши шубҳасиз.

Она тилимизга бўлган муносабат фақат қонун ва қарорларда қолиб кетмаслиги, аксинча, меҳр бўлиб жисму жонимизни эгаллаши, руҳиятимизга кўчиши

лаффуз қилишдан бошланади. Тилни бузиб гапириб унга ҳурматсизлик ҳисобланганини оилада, таълим муассасасларида фарзандларимизнинг онг-шуурига синдиришимиз шарт. Тил ҳар кун, ҳар соат билвосита ва бевоҳиё ўрганиб бориладиган, ақл-тафаккуримизни бойитадиган чексиз уммон, бебаҳо хазинадир. Ўзбек бўла туриб, кўча-кўйда илинган лавҳаларда хато ёзилган ўзбекча сўзларга кўзи тушганида юраги оғримайдиган кишида миллий гуруҳ йўқ, десак янглишмаймиз. Бундай ҳалолликларга лоқайдлик билан йўл қўйган фуқароларнинг хатти-ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин? Бу саволни аввало, уларнинг ўзи ўзига бериб кўрса, айна мундоқ бўлар эди. Уларга «Нега хато ёзасиз, шунини ўйлаб кўрдигинизми?» дегинг келади.

Давлат тилимиз ўз мақомида қадрланиши, ривожланиши учун унга ижтимоий заруратни қучайтириш давлат идоралари, ҳўжалик юритувчи субъектлардан тортиб, ҳар биримизга боғлиқ масаладир.

Ҳар бир миллатнинг руҳияти, табиати, бутун ботлиги унинг тилида акс этади. Шунинг учун ҳам инсоннинг маънавий камолотида она тилининг ўрни беқийсдир.

Шарофат САФОЕВА,
Богот туманидаги 2-сон ихтисослаштирилган мактаб директори

“МИРЗАЧУЛ УГЛОНЛАРИ”
КАНЦТОВАРЫ
ШКОЛЬНЫЕ ТОВАРЫ
БЫТОВАЯ ТЕХНИКА
ПОСУДА
СУВЕНИРЫ

Оплата по пластиковым картам (онлайн) и по перечислению

магазин № 3

CREDIT ASIA TO'LAYDI!

КСЕРОКОПИЯ ЙЎҚ
ВООБЩЕ ЙЎҚ

Алишер Навоий тилимизнинг жонқури сифатида унинг доғини дунёга таратди. Она тилимиз доғини асарлари орқали етти иқлимга ёйди. Алишер Навоий она тили бойлигини шундай таърифлади: «Тилимиз ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай бир хазинаки, ҳар бир дуру гавҳар»

МУАССИС:
Бош муҳаррир: **Ислом ҲАМРОЕВ**

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАЕВ

Тошўлат **МАТИБАЕВ**
Талъат **МУРОДОВ**
Абдуқамол **РАҲМОНОВ**
Собир **ТУРСУНОВ**
Алишер **ШОАМОНОВ**
Шухрат **ЯКУБОВ**

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибати — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова
Навбатчи — Фурқат Тоғжиев

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақамин билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма тоб. Офсет усулида босилган. Бўричма Г — 1100.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolat.uz **adolat.uz@mail.ru**

Ааади — 1791
Босишга тошириш вақти — 23.00
Босишга тошириш вақти — 23.15

Таҳририятга келган кўзёнамлар таърих қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Реклама материаллари учун таҳрир жабобар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун бундан расмийлаштирилган ташкилот жабобар.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2071-5217

1 2 4 5 6